Учинчиси: мухотаба (иккинчи шахс муаннас жинсни билдирувчи) “йа” дир. У музореъ ва амр

феълларига қўшилиб келиб, ўзидан олдинги ҳарфни касрали бўлишини тақозо қилади.

Масалан, اضْرِبِي، تَضْرِبِينَ، каби.

وَرَابِعُهَا: تَاءُ التَّأْنِيثِ السَّاكِنَةِ تَخْتَصُّ بِالْمَاضِي وَتَفْتَضِي فَتُحَدِّثُ مَا قَبْلَهَا، نَحْوُ: ضَرَبْتَ.
وَإِنَّمَا تَحَرَّكَتْ هَذِهِ التَّاءُ فِي ضَرَبْتَا لِمُلَاقَاتِهَا الْأَلِفَ بَعْدَهَا فَلَا إِعْتِبَارَ لِهَذِهِ الْحَرَكَةِ لِكَوْنِهَا
ضُرُورِيَّةً.

Тўртинчиси: сукунли бўлган муаннас “та”дир. У мозий феълга хос бўлиб, ўзидан олдинги ҳарфни фатҳали бўлишини тақозо қилади.

Масалан, ضَرَبْتَ каби.

Ушбу “та” фақат ضَرَبْتَا сийғасида ўзидан кейинги “алиф”га йўлиққани учун ҳаракатли бўлади. Ушбу ҳаракатни заруратан бўлгани учун ҳеч қандай эътибори йўқдир.

وَأَرْبَعٌ مُتَحَرِّكَاتٍ تَفْتَضِي سُكُونًا مَا قَبْلَهَا.
أَحَدُهَا: نُونُ ضَمِيرِ جَمَاعَةِ النِّسَاءِ تَلْحَقُ الثَّلَاثَةَ. نَحْوُ: ضَرَبْنَ وَيَضْرِبْنَ وَاضْرَبْنَ.

Ўзи ҳаракатли бўлган тўртта лавоҳиқлар ўзидан олдинги ҳарфни сукунли бўлишини тақозо қилади.

Биринчиси муаннас кўплик замир (олмош)нинг “нун”идир. У учта феълга қўшилиб келади.

Масалан, ضَرَبْنَ، يَضْرِبْنَ، اضْرَبْنَ، каби.

وَتَانِيهَا: تَاءُ الْمُخَاطَبِ، نَحْوُ: ضَرَبْتَ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُمْ، ضَرَبْتِ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُنَّ.

وَتَالِثُهَا: تَاءُ الْمُتَكَلِّمِ وَحَدَهُ، نَحْوُ: ضَرَبْتُ.

Иккинчиси мухотаб (иккинчи шахс музаккар ва муаннас жинсни билдирувчи) “та” дир.

Масалан, ضَرَبْتُ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُمْ، ضَرَبْتِ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُنَّ каби.

Учинчиси ёлғиз мутакаллим (биринчи шахс бирликни билдирувчи) “та” дир.

Масалан, ضَرَبْتُ каби.

وَرَابِعُهَا: نُونُ الْمُتَكَلِّمِ مَعَ الْغَيْرِ، نَحْوُ: ضَرَبْنَا. وَهَذِهِ الثَّلَاثَةُ تَخْتَصُّ بِالْمَاضِي.

Тўртинчиси: мутакаллим маъал ғойр (биринчи шахс бошқа билан бирга бўлганлигини билдирувчи) “нун” дир.

Масалан, ضَرَبْنَا каби.

Мана шу кейинги учтаси мозий (ўтган замон) феълига хос бўлади.

وَاعْلَمْ، أَنَّ النَّوْنَ الْمَكْسُورَةَ بَعْدَ الْأَلِفِ فِي يَضْرِبَانِ، وَالْمَفْتُوحَةَ بَعْدَ الْوَاوِ فِي يَضْرِبُونَ، وَالْيَاءَ فِي تَضْرِبِينَ عَلَامَتَانِ لِحَالِ الرَّفْعِ فَقَدْ عَرَفْتَهُ.

Билгин, албатта يَضْرِبَانِ сийғасида “алиф”дан кейин келган касрали “нун” ва يَضْرِبُونَ сийғасида “вов”дан кейин келган фатҳали “нун” ҳамда تَضْرِبِينَ сийғасидаги “йа” раф ҳолатини билдирувчи аломатдир. Сиз бу ҳақда маълумотга эга бўлгансиз.

وَلِهَذَا تَسْقُطَانِ عِنْدَ الْجَوَازِمِ وَالنَّوَاصِبِ، نَحْوُ: لَمْ يَضْرِبْنَا وَلَمْ يَضْرِبُوا وَلَمْ تَضْرِبْ وَلَمْ يَضْرِبَا وَلَمْ يَضْرِبُوا وَلَمْ تَضْرِبِي.
وَالْمِثَالُ مَعَ اللَّوَاحِقِ جَارٍ مَجْرَى الصَّحِيحِ.

Шунинг учун ушбу икки нун, феъл жазм ва насб бўлганда тушиб кетади.

Масалан, لَمْ يَضْرِبْنَا لَمْ يَضْرِبُوا لَمْ تَضْرِبِي، لَمْ يَضْرِبْنَا لَمْ يَضْرِبُوا لَمْ تَضْرِبِي.

Лавоҳиқлар билан бирга келган мисол саҳиҳ ўрнида келган.

الفصل الثاني: اعلم، أن الإدغام في آخر الفعل يسلم مع الأربع السواكن تقول مع الألف: فَرَا وَيَفْرَانِ وَفَرًا وَمَعَ الْوَاوِ فَرُوا وَيَفْرُونَ وَفَرُوا وَمَعَ الْيَاءِ تَفْرَيْنَ وَفَرِي وَمَعَ التَّاءِ فَرَّتْ.

Иккинчи фасл. Билгин, албатта феълнинг охиридаги идғом (иккилантирилган ҳарф) тўртта сукунли бўлган лавоҳиқлар билан бирга ўз ҳолида қолади.

“Алиф” билан فَرَا، وَيَفْرَانِ، وَفَرًا , “вов” билан فَرُوا، وَيَفْرُونَ، وَفَرُوا , “йа” билан فَرِي، وَفَرِي، хамда “та” билан бирга فَرَّتْ деб айтасан.

وَيَبْطُلُ مَعَ الْأَرْبَعِ الْمُتَحَرِّكَاتِ، تَقُولُ مَعَ النُّونِ: فَرَزْنَ وَيَفْرِزْنَ وَأَفْرِزْنَ، وَمَعَ الْبَاقِيَةِ فَرَزْتَ إِلَى فَرَزْنَا. وَالسَّبَبُ فِي ذَلِكَ أَنَّ الْمُتَحَرِّكَاتِ تَقْتَضِي سُكُونَ الثَّانِي مِنَ الْمُتَجَانِسِينَ فَيَقُوتُ شَرْطُ الْإِدْغَامِ الَّذِي ذَكَرْنَاهُ وَيَعُودُ الْأَصْلُ بِخِلَافِ السَّوَاكِنِ فَإِنَّهَا لَا تَقْتَضِي سُكُونَ الثَّانِي مِنَ الْمُتَجَانِسِينَ فَلَا يَقُوتُ شَرْطُ الْإِدْغَامِ وَكَذَلِكَ الْبَوَاقِي.

Идғом ўзи ҳаракатли бўлган тўртта лавоҳиқ орқали ечилиб кетади. “Нун” билан فَرَزْنَ، يَفْرِزْنَ، اِفْرِزْنَ деб айтасан. Қолган فَرَزْتَ дан فَرَزْنَا гача бўлган сийғаларда ҳам идғом қилмасдан айтасан. Ушбу феълларда идғомни ечилиб кетишига сабаб, албатта, ўзи ҳаракатли бўлган лавоҳиқлар иккита бир жинсдан бўлган ҳарфни иккинчисини сукунли бўлишини тақозо этади. Шунга кўра биз айтиб ўтган идғом қилиш шарти йўқолиб, феъл ўзи сукунли бўлган лавоҳиққа хилоф равишда аслига қайтади. Чунки, у иккита бир жинсдан бўлган ҳарфни иккинчисини сукунли бўлишини тақозо этмайди. Шунинг учун идғом қилиш шарти ўз-ўзидан йўқолади. Қолган феълларда ҳам юқоридаги каби бўлади.

وَأَمَّا الْمُضَاعَفُ مِنْ بَابِ فَعَّلٍ وَتَفَعَّلَ وَفَعَّلَ لَا إِدْعَامَ فِي آخِرِهِ فَهُوَ جَارٍ مَعَ اللّٰوَاِحِ بِجَرَى الصّٰحِيحِ.

Боблардаги музоаф феъли охирини идғом қилинмайди. У ҳам лавоҳиқлар билан бирга саҳиҳ (соғлом) феъл ўрнида келгандир.

أَلْفَصْلُ الثَّلَاثُ: إِعْلَمْ، أَنَّ الْأَجُوفَ مِنْ بَابِ فَعَلَ وَفَاعَلَ وَأَفْعَلَ وَافْعَالَ وَتَفَعَّلَ وَتَفَاعَلَ وَفَعَّلَ لَا يَتَغَيَّرُ عَيْنُهُ مَعَ اللّٰوَاِحِ فَهُوَ جَارٍ مَعَ اللّٰوَاِحِ بِجَرَى الصّٰحِيحِ.

Учинчи фасл. Билгин, албатта

Бобларидаги ажваф феълининг таянч баробари лавоҳиқлар билан

ўзгармайди. У ҳам лавоҳиқлар билан саҳиҳ феълдек келган.

وَأَمَّا فِي غَيْرِهَا فَالْعَيْنُ تَثْبُتُ مَعَ الْأَرْبَعِ السَّوَاكِينِ تَقُولُ: مَعَ الْأَلِفِ خَافًا وَطَالًا فِي الْمَاضِي، وَيَخَافَانِ وَيَطُولَانِ فِي الْمَضَارِعِ، وَخَافَا وَطُولَا فِي الْأَمْرِ. وَمَعَ الْوَاوِ خَافُوا وَطَالُوا وَيَخَافُونَ وَيَطُولُونَ وَخَافُوا وَطُولُوا. وَمَعَ الْيَاءِ تَخَافِينَ وَتَطُولِينَ وَخَافِي وَطُولِي وَمَعَ التَّاءِ خَافَتْ وَطَالَتْ.

Аммо улардан бошқа боблардаги ажваф феълларда эса “ъайн” баробаридаги иллатли ҳарф суқунли бўлган тўртта лавоҳиқ билан бирга туради. Ўтган замон феълида “алиф”ни қўшиш билан طَالًا, خَافًا, музореъ феълида يَطُولَانِ, يَخَافَانِ, амр феълида эса طُولًا, خَافًا, деб айтасан. “Вов” ни бирлаштириш билан خَافُوا, يَطُولُونَ, طَالُوا, يَخَافُونَ, يَطُولُونَ, خَافُوا, “йа” ни қўшиш билан طُولِي, تَخَافِينَ, تَطُولِينَ, خَافِي, طُولِي, “та” ҳарфини қўшиш билан эса طَالَتْ, خَافَتْ, деб айтасан.

وَتُحْدَفُ مَعَ الْأَرْبَعِ الْمُتَحَرِّكَاتِ تَقُولُ مَعَ النُّونِ: خَفَنَ وَطَلَنَ وَيَخْفَنَ وَيَطْلَنَ وَخَفْنَ وَطَلْنَ وَمَعَ الْبَاقِيَةِ خَفَتْ وَطَلَتْ إِلَى خَفْنَا وَطَلْنَا. وَالسَّبَبُ فِي الْحَذْفِ الْإِتْقَاءُ السَّائِكِينَ.

Мазкур ажваф феълларини “ъайн” баробаридаги иллатли ҳарф ҳаракатли бўлган тўртта лавоҳиқ билан бирга бўлганда тушириб юборилади. “Нун” ни қўшиб, خَفْنَ, طَلْنَ, يَخْفَنَ, يَطْلَنَ, خَفْنَ, طَلْنَ, деб айтасан.

Қолган خَفْنَا, طَلْنَا сийғаларидан тоинки طَلْتُ, خَفْتُ сийғаларигача бўлганларда ҳам “ъайн” баробаридаги ҳарфни ҳазф қилиб айтасан. Ҳазф қилишга сабаб иккита сокинни бир-бирига тўқнаш келганидир.

الْفَصْلُ الرَّابِعُ: إِعْلَمُ، أَنَّ اللَّامَ الْمُعْتَلَّةَ تَصِحُّ مَعَ الْأَلِفِ وَالْمُرَادُ لِصُحْبَتِهَا هَهُنَا أَنَّهَا تَثْبُتُ
مُتَحَرِّكَةً نَحْوُ: رَمِيَا وَيَرْمِيَانِ وَارْمِيَا وَدَعَوْا وَيَدْعُوَانِ وَادْعُوا.
وَكَذَلِكَ: رَعِيَا وَيَرْعِيَانِ وَارْعِيَا وَخَشِيَا وَيَخْشِيَانِ وَارْخُوا وَيَرْخُوَانِ وَارْخُوا.

Тўртинчи фасл. Билгин, албатта иллатли бўлган “лом” баробаридаги ҳарф “алиф” билан бирга бўлганда соғлом туради, яъни ҳазф қилинмайди. Бу ерда бирга бўлишидан мурод иллатли ҳарфни ҳаракатли бўлиб туришидир.

Масалан, رَمِيَا، يَرْمِيَانِ، اِرْمِيَا، دَعُوا، يَدْعُوَانِ، اُدْعُوا каби.

Шунингдек, رَعِيَا، يَرْعِيَانِ، اِرْعِيَا، خَشِيَا، يَخْشِيَانِ، اِرْخُوا، يَرْخُوَانِ، اِرْخُوا феълларида ҳам юқоридаги каби бўлади.

وَمَعَ الْوَاوِ تَنْظُرُ إِنْ انْفَتَحَ مَا قَبْلَهَا سَقَطَتْ بَعْدَ الْقَلْبِ نَحْوُ: رَمَوْا وَدَعَوْا أَصْلُهُمَا رَمِيُوا
وَدَعَوْوا فَفُئِلَتَا أَلْفَيْنِ بِالْأَصْلِ الْأَوَّلِ مِنْ أَصُولِ الْقَلْبِ وَحُذِفَتَا لِالْتِقَاءِ السَّاكِنَيْنِ وَكَذَا: يَخْشَوْنَ
وَيَرْمُونَ وَارْحَشُوا.

“Вов” билан бирга келганда қарайсан, агар иллатли ҳарфдан олдинги ҳарф фатҳали бўлса, унда иллатли ҳарф қалб бўлганидан кейин тушиб кетади.

Масалан, رَمَوْا، دَعَوْا каби.

Буларнинг асли رَمِيُوا، دَعَوْوا бўлиб, қалб қилишнинг биринчи қоидасига кўра улардаги иллатли ҳарфни алифга ўзгартирилди. Уларни икки сокин бир-бирига тўқнаш келгани учун ҳазф қилинди.

Худди шунингдек، اِخْشَوْا، يَرْمُونَ، يَخْشَوْنَ феълларидаги қоида ҳам юқоридаги кабидир.

وَإِنْ أَنْضَمَّ مَا قَبْلَهَا سَقَطَتْ بَعْدَ التَّسْكِينِ فَحَسَبُ نَحْوٍ: رَخُوا وَيَدْعُونَ وَادْعُوا. وَإِنْ أَنْكَسَرَ مَا قَبْلَهَا سَقَطَتْ بَعْدَ التَّسْكِينِ مَعَ النَّقْلِ نَحْوٍ: خَشُوا وَيَرْمُونَ وَارْمُوا

Бордию ундан олдинги ҳарф заммали бўлса, фақат сукунли қилгандан кейин тушиб кетади.

Масалан, رَخُوا، يَدْعُونَ، اُدْعُوا каби.

Агар иллатли ҳарфдан олдинги ҳарф касрали бўлса, иллатли ҳарфни ҳаркати юқоридаги ҳарфга кўчириб, сукунли қилингандан кейин тушиб кетади.

Масалан, اِرْمُوا، يَرْمُونَ، اِرْمُوا каби.

وَمَعَ الْيَاءِ تَنْظُرُ كَذَلِكَ فَتَقُولُ فِيمَا انْفَتَحَ مَا قَبْلَهَا نَحْوٍ: تَخْشَيْنَ وَتَرْمِينَ فَسَقَطَتْ بَعْدَ الْقَلْبِ بِالْأَلِفِ وَفِيمَا أَنْضَمَّ مَا قَبْلَهَا نَحْوٍ: تَدْعِينَ وَادْعِي أَصْلُهُمَا تَدْعُوَيْنَ وَادْعُوِي فَتَسْقُطُ بَعْدَ التَّسْكِينِ مَعَ النَّقْلِ وَفِيمَا أَنْكَسَرَ مَا قَبْلَهَا نَحْوٍ: تَرْمِينَ وَارْمِي فَتَسْقُطُ بَعْدَ التَّسْكِينِ فَحَسَبُ.

Худди шунингдек, “йа” ҳарфи билан бирга келганда ҳам кўрасан. Кейин иллатли ҳарфдан олдинги ҳарф фатҳали бўлганда تَرْمِينَ، تَخْشَيْنَ деб айтасан. Шунда иллатли ҳарф “алиф”га қалб бўлгандан кейин тушиб кетади.

Иллатли ҳарфдан олдинги ҳарф заммали бўлганда تَدْعِينَ، اُدْعُوِي деб айтасан. Буларнинг асли اُدْعُوِي، تَدْعُوِيْنِ бўлиб, иллатли ҳарфнинг ҳаркати нақл қилиб (юқорисидаги ҳарфга кўчириб) сукунли қилингандан кейин тушиб кетади.

Иллатли ҳарфдан олдинги ҳарф касрали бўлганда эса تَرْمِينِ اِزْمِي деб айтасан. Бунда иллатли ҳарф фақат сукунли қилингандан кейин тушиб кетади.

وَمَعَ التَّاءِ تَنْظُرُ إِنْ انْفَتَحَ مَا قَبْلَهَا سَقَطَتْ بَعْدَ الْقَلْبِ نَحْوُ: رَمَتْ وَدَعَتْ وَرَمَتَا وَدَعَتَا. وَإِنْ انْضَمَّ مَا قَبْلَهَا أَوْ انْكَسَرَ صَحَّتْ نَحْوُ: رَضِيَتْ وَرُمِيَتْ وَرَحُوتْ.

(Юқоридаги иллатли феълларга) “та” ҳарфини ҳам қўшиб кўрасан, агар иллатли ҳарфдан олдинги ҳарф фатҳали бўлса, қалб қилингандан кейин тушиб кетади.

Масалан, رَمَتْ، دَعَتْ، رَمَتَا، دَعَتَا каби.

Бордию ундан олдинги ҳарф заммали ёки касрали бўлса, иллатли ҳарф тушиб кетмайди.

Масалан, رَضِيَتْ، رُمِيَتْ، رَحُوتْ каби.

وَأَمَّا مَعَ الْمُتَحَرِّكَاتِ فَإِنَّهَا تَنْبُتُ سَاكِنَةً نَحْوُ: رَمِيْنَ وَدَعَوْنَ وَيَرْمِيْنَ وَيَدْعُوْنَ وَارْمِيْنَ وَادْعُوْنَ وَكَذَا رَمِيَتْ وَدَعَوْتَ إِلَى رَمِينَا وَدَعُونَا.

Юқоридаги иллатли феъллар ҳаркатли бўлган лавоҳиқлар билан бирга келганда, иллатли ҳарф сукунли ҳолатда албатта туради.

Масалан, رَمِيْنَ، دَعَوْنَ، يَرْمِيْنَ، يَدْعُوْنَ، اِرْمِيْنَ، اُدْعُوْنَ каби.

Шунингдек, دَعُونَا، رَمِينَا сийғаларидан тоинки دَعَوْتَ، رَمِيَتْ сийғаларигача ҳам юқоридаги кабидир.

أَلْبَابُ الرَّابِعِ فِي تَفْصِيلِ الْحَاقِ اللَّوَّاحِقِ وَهُوَ ثَمَانِيَةٌ فُصُولٍ.

الفصل الأول: اعلم، أنهم يُسمون هذا الباب باب الحاق الضمائر. وذلك أنهم يُوردون جملاً لبيان صور الحاقها بالماضي والمضارع والأمر في الأقسام السبعة حال بنائها للفاعل والمفعول.

Тўртинчи боб лавоҳиқларнинг қўшиш тафсилоти тўғрисида. У саккизта фаслдир;

Биринчи фасл. Билгин, албатта улар (араблар) ушбу бобни "باب الحاق الضمائر" яъни замирларнинг (феълларга) қўшиш борасидаги боб деб ҳам номлаганлар. Ана шундай номлашликларига сабаб улар еттита ақсомда замирларни мозий, музореъ ва амр феълларига маълум ҳолатида ҳам, мажхул ҳолатида ҳам қўшиш кўринишини баён қилиш учун бир неча жумлаларни келтирганлар.

وَيُكْرَرُونَ الْفِعْلَ فِي كُلِّ جُمْلَةٍ مِنْهَا أَرْبَعٌ عَشَرَ مَرَّةً عَلَى هَذَا التَّرْتِيبِ، ثَلَاثَ مَرَّاتٍ لِلْغَائِبِ وَالْغَائِبِيْنَ وَالْغَائِبِيْنَ وَثَلَاثَ مَرَّاتٍ لِلْغَائِبَةِ وَالْغَائِبَتَيْنِ وَالْغَائِبَاتِ وَثَلَاثَ مَرَّاتٍ لِلْمُخَاطَبِ وَالْمُخَاطَبِيْنَ وَالْمُخَاطَبِيْنَ وَثَلَاثَ مَرَّاتٍ لِلْمُخَاطَبَةِ وَالْمُخَاطَبَتَيْنِ وَالْمُخَاطَبَاتِ وَمَرَّةً لِلْمُتَكَلِّمِ وَحَدَهُ وَأُخْرَى لَهُ مَعَ غَيْرِهِ إِلَّا فِي حَقِّ الْأَمْرِ فَإِنَّ الْعَادَةَ جَرَتْ بِتَقْدِيمِ الْخِطَابِ ثُمَّ الْعَيْبَةِ ثُمَّ الْمُتَكَلِّمِ.

Ундан ҳар бирида мозий ва музореъ феълни ўн тўрт марта маълум тартибга кўра такрорлаганлар. Уч марта ғоиб (учинчи шахс бирлик), иккилик ва кўплик учун, уч марта ғоибх (учинчи шахс муаннас бирлик), муаннас иккилик ва муаннас кўплик учун. Уч марта мухотоб (иккинчи шахс бирлик), иккилик ва кўплик учун ҳамда уч марта мухотаба (иккинчи шахс муаннас бирлик), муаннас иккилик ва муаннас кўплик учун. Шунингдек,

бир марта ёлғиз мутакаллим (бир шахс)нинг ўзи учун ва бир марта мутакаллим (биринчи шахс) учун бошқа билан бўлганда. Лекин амр феъли ҳақида одат олдин иккинчи шахсни кейин учинчи шахсни сўнгра биринчи шахсни келтиришга жорий бўлган.

وَلَا فَرْقَ فِي الْمَاضِي وَالْأَمْرِ لِلْفَاعِلِ بَيْنَ لَفْظِ الْمُخَاطَبِينَ وَالْمُخَاطَبَتَيْنِ. وَكَذَا لَا فَرْقَ فِي الْمَضَارِعِ وَالْأَمْرِ لِلْمَفْعُولِ بَيْنَ الْغَائِبَةِ وَالْمُخَاطَبِ وَبَيْنَ الْغَائِبَتَيْنِ وَالْمُخَاطَبَتَيْنِ

Мозий ва амр феълларининг маълум шаклида мухотабайн (иккинчи шахс музаккар иккилик) билан, мухотабатайн (иккинчи шахс муаннас иккилик) лафзлари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Худди шунингдек музореъ ва амр феълларининг мажхул шаклида ҳам ғоиб (учинчи шахс муаннас бирлик) ва мухотаб (иккинчи шахс музаккар бирлик) ўртасида ҳамда ғоибатайн (учинчи шахс муаннас иккилик) билан мухотабайн (иккинчи шахс музаккар иккилик) ва мухотабатайн (иккинчи шахс муаннас иккилик) ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

وَسَتَرَى جَمِيعَ مَا ذَكَرْنَا وَلَكِنْ يُجِبُّ أَنْ يَتَعَلَّمَ أَنَّ ضَمِيرَ الْغَائِبِ وَالْغَائِبَةِ فِي الْمَاضِي وَالْمَضَارِعِ وَالْأَمْرِ لَا يَبْرُزُ فِي اللَّفْظِ. فَإِذَا قُلْتَ رَجُلًا ضَرَبَ وَامْرَأَةً ضَرَبَتْ كَانَ التَّقْدِيرُ ضَرَبَ هُوَ وَضَرَبَتْ هِيَ كَذَا يَضْرِبُ وَتَضْرِبُ وَيَضْرِبُ وَتَضْرِبُ.

Айтиб ўтганларимизнинг барчасини ўзингиз тезда кўрасиз. Лекин мозий, музореъ ва амр феълларида ғоиб (учинчи шахс музаккар бирлик) ва ғоиб (учинчи шахс

муаннас бирлик)нинг замирлари лафзда кўринмаслиги таълим олишликка муҳаббат уйғотади.

Агар сиз **ضَرَبْتُ** امْرَأَةً ضَرَبْتُ، **ضَرَبْتُ** رَجُلًا деб айтсангиз, тақдирда бўлади. **ضَرَبْتُ** هِيَ، **ضَرَبْتُ** هُوَ.

يَضْرِبُ، **تَضْرِبُ**، **يَضْرِبُ**، **لِيَضْرِبُ**، **لِيَتَضْرَبُ** феълларида ҳам худди шу каби бўлади.

وَلَا تَحْسَبَنَّ تَاءَ التَّأْنِيثِ ضَمِيرًا فَإِنَّهَا عَلَامَةٌ التَّأْنِيثِ فَحَسْبُ. وَلَوْ كَانَ ضَمِيرًا لَمَا جَازَ بَعْدَهَا ذِكْرُ الْفَاعِلِ الْمُظْهِرِ فِي قَوْلِكَ: ضَرَبْتُ الْمَرْأَةَ كَمَا لَا يَجُوزُ فِي قَوْلِكَ: ضَرَبْنَا رَجُلَانِ وَضَرَبُوا رَجَالًا.

Сиз муаннас “та” ҳарфини замир деб ўйламанг, чунки у муаннаслик аломати холос. Агар замир бўлганида эди **ضَرَبْتُ الْمَرْأَةَ** деган гапингда кўриниб турган фоилни зикр қилиш жоиз бўлмаган бўларди.

Худди **ضَرَبْنَا رَجُلَانِ**، **ضَرَبُوا رَجَالًا** деган гапингда ҳам жоиз бўлмаган бўларди.

وَكَذَا ضَمِيرُ الْمُخَاطَبِ وَالْمُتَكَلِّمِ وَحَدَهُ وَالْمُتَكَلِّمِ مَعَ غَيْرِهِ لَا يَبْرُزُ فِي الْمَضَارِعِ وَالْأَمْرِ نَحْوُ: تَضْرِبُ وَأَضْرِبُ وَنَضْرِبُ وَأَضْرِبُ وَلَاضْرِبُ وَلِنَضْرِبُ وَالتَّقْدِيرُ أَنْتَ وَأَنَا وَنَحْنُ.

Худди шу каби мухотаб (иккинчи шахс), мутакаллим (биринчи шахс бирлик) ва мутакаллим маал ғойр (биринчи шахс кўплик) замирлари музореъ ва амр феълларида кўринмайди.

Масалан, **تَضْرِبُ**، **أَضْرِبُ**، **نَضْرِبُ**، **إَضْرِبُ**، **لَأَضْرِبُ**، **لِنَضْرِبُ** каби.

Буларнинг тақдирида эса **أَنْتَ**، **أَنَا**، **نَحْنُ** замирлари бор.

الفصل الثاني: في الصحيح الماضي نحو: ضَرَبَ، ضَرَبْنَا، ضَرَبُوا، ضَرَبْتُ، ضَرَبْتَنَا، ضَرَبْتَنِي،
 ضَرَبْتُمْ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُمْ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُنَّ، ضَرَبْتُنَّ، ضَرَبْتُنَا.
 وَمَجْهُولُهُ: ضَرَبَ، ضَرَبْنَا، ضَرَبُوا ... الخ.

Иккинчи фасл: ўтган замон саҳиҳ (соғлом) феъли тўғрисида.

Феълларни тусланиши

Масдардан куйидаги 12 нарса иштиқоқ қилинади:

1. **Феъли мозий** –ўтган замон феъли.
2. **Феъли музореъ** –ҳозирги ва келаси замон феъли.
3. **Исми фоъил** – иш бажарувчи.
4. **Исми мафъул** – қилинган иш номи ёки иш қилинмиш иш.
5. **Феъли жаҳд** – ўтган замон инкор феъли.
6. **Феъли нафий** – фақат келаси замон инкор феъли.
7. **Феъли амр ҳозир** – буйруқ феъли.
8. **Феъли амр ғоиб** – ломлик буйруқ феъли.
9. **Феъли наҳий** – буйруқ феълининг инкори.
10. **Исми замон ва макон** – иш бажариладиган вақт ва жой.
11. **Исми олат** – иш бажарувчи қурол ва ускуна.
12. **Исми тафзил** – ортиқроқ иш бажарувчи.

ضَرَبَ – масдаридан куйидаги 12 нарса иштиқоқ қилинади:

1. ضَرَبَ – урди у бир эркак киши, ўтган замонда.
2. يَضْرِبُ – уради у бир эркак киши, келаси замонда.
3. ضَارِبٌ – урувчи бир эркак киши.

4. مَضْرُوبٌ – урилган бир эркак киши.
5. لَمْ يَضْرِبْ – урмади у бир эркак киши, ўтган замонда.
6. لَا يَضْرِبُ – урмайди у бир эркак киши, келаси замонда.
7. اَضْرِبْ – (амр ҳозир) ур сен бир эркак киши.
8. لِيَضْرِبْ – (амр ғоиб) урсин у бир эркак киши.
9. لَا تَضْرِبْ – урма сен бир эркак киши.
10. مَضْرِبٌ – уриладиган вақт ва макон.
11. مِضْرَابٌ – урувчи қурол.
12. أَضْرَبُ – урувчи роқ бир киши.

Мозий феъли

Мозий феълининг маълуми 14 сийғада келади:

бта ғоиб (3 – шахс); бта мухотаб (2 – шахс); ва 2та мутакаллим (1 – шахс).

бта ғоиб сийғасининг 3таси музаккар (эркак жинси) сийғаси учун ва 3таси муаннас (аёл жинси) сийғаси учундир. бта мухотаб сийғасининг ҳам 3таси музаккар сийғаси ва 3таси муаннас сийғаси учундир. Мутакаллимнинг 2та сийғаси эса, ҳам музаккар ҳам муаннас сийғаси учундир. Ғоиб ва мухотаб сийғаларида музаккар сийғаси учун ҳам, муаннас сийғаси учун ҳам бирлик, иккилик ва кўплик бўлади. Мутакаллим учун эса фақат бирлик ёки кўплик бордир. Яъни бир киши: «Мен ва биродарим иккимиз, деса ҳам иккилик сийғаси бўлмасдан кўплик сийғаси ишлатилади.

Мозий феълининг маълуми қуйидагича сарфланади:

ضَرَبَ	урди у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
ضَرَبَا	урди у икки эркак киши, ўтган

	замонда (тасния, музаккар, ғойбайн сийғаси)
ضَرَبُوا	урдилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғойбийн сийғаси)
ضَرَبْتَ	урди у бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, ғойба сийғаси)
ضَرَبْتَا	урди у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғойбатайн сийғаси)
ضَرَبْنَ	урдилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғойбат сийғаси)
ضَرَبْتَ	урдинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
ضَرَبْتُمَا	урдингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
ضَرَبْتُمْ	урдинглар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
ضَرَبْتَ	урдинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
ضَرَبْتُمَا	урдингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
ضَرَبْتُمْ	урдинглар сиз кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)

ضَرَبْتُ	урдим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
ضَرَبْنَا	урдик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Мажҳул шакли эса *ضَرَبَ ضَرْبًا ضَرْبًا ... الخ* дир.

Мозий феълни мажҳул ҳолга келтириш учун феълнинг охиридан олдинги ҳарфни касралаи ва у ҳарфдан олдинги ҳар бир ҳаракатли ҳарфни заммали қилинади. Масалан: *ضَرَبَ* – маълум феъл эди. Бу феълнинг охирги ҳарфидан олдинги ҳарф бўлган (ر) –касралаи қилинади – *ضَرِبَ* бўлади. Сўнгра (ر) ҳарфидан олдинги ҳаракатли бўлган ҳарф (ض) заммали қилинади – *ضَرِبَ* бўлади.

Мозий феълнинг мажҳули ҳам 14 сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

ضَرِبَ	урилди у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
ضَرَبَا	урилди у икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
ضَرَبُوا	урилдилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
ضَرَبْتُ	урилди у бир аёл, ўтган замонда

	(воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси)
ضُرَيْتَا	урилди у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
ضُرَيْنَ	урилдилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси)
ضُرَيْتَ	урилдинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
ضُرَيْتُمَا	урилдингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
ضُرَيْتُمْ	урилдинглар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
ضُرَيْتَ	урилдинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
ضُرَيْتُمَا	урилдингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
ضُرَيْتُمْ	урилдинглар сиз кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
ضُرَيْتُ	урилдим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
ضُرَيْنَا	урилдик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ,

музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

الْمُضَارِعُ يَضْرِبُ يَضْرِبَانِ يَضْرِبُونَ، تَضْرِبُ تَضْرِبَانِ يَضْرِبْنَ، تَضْرِبُ تَضْرِبَانِ تَضْرِبُونَ، تَضْرِبِينَ تَضْرِبَانِ تَضْرِبْنَ، أَضْرِبُ نَضْرِبُ.

Музорей феъли

Музорей феълининг маълуми ҳам 14 сийғада келади. Музорей феълининг аввалида қўшилиб келадиган ҳарфларга «музориъат ҳарфлари», дейилади.

Музориъат ҳарфлари 4та: ن، ي، ت، ا

Музорей феълининг маълуми қуйдагича сарфланади:

يَضْرِبُ	уради у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
يَضْرِبَانِ	уради у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
يَضْرِبُونَ	урадилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
تَضْرِبُ	уради у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоибата сийғаси)
تَضْرِبَانِ	уради у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
يَضْرِبْنَ	урадилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси)

تَضْرِبُ	урасан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
تَضْرِبَانِ	урасиз сиз икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
تَضْرِبُونَ	урасизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
تَضْرِبِينَ	урасан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
تَضْرِبَانِ	урасиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
تَضْرِبِنَّ	урасизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
أَضْرِبُ	ураман мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
نَضْرِبُ	урамиз биз кўп эркаклар, ёки кўп аёллар келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

وَجْهَهُوْلَهُ: يُضْرِبُ يُضْرِبَانِ يُضْرِبُونَ ... الخ

Мажхул шакли эса الخ يُضْرِبُ يُضْرِبَانِ يُضْرِبُونَ ... дир.

Музореъ феълининг мажхули

Музорей феълини мажхул ҳолга келтириш учун феълнинг охиридан олдинги ҳарфни фатҳали ва музориъат ҳарфини заммали қилинади.

Масалан: يَضْرِبُ – маълум феъл эди. Бу феълнинг охириги ҳарфидан олдинги ҳарф бўлган () фатҳали қилинади – يَضْرِبُ бўлади. Сўнгра музориъат ҳарфи заммали қилинади – يَضْرِبُ бўлади. Музорей феълнинг мажхули ҳам 14 сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

يَضْرِبُ	урилади у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
يَضْرِبَانِ	урилади у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
يَضْرِبُونَ	уриладилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
تَضْرِبُ	урилади у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоибат сийғаси)
تَضْرِبَانِ	урилади у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
يَضْرِبْنَ	уриладилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси)
تَضْرِبُ	уриласан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
تَضْرِبَانِ	уриласиз сиз икки эркак киши,

	келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
تَضَرُّونَ	уриласизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
تَضَرَّبِينَ	уриласан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
تَضَرَّبَانِ	уриласиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
تَضَرَّبِينَ	уриласизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
أَضْرَبُ	уриламан мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
نَضْرَبُ	уриламиз биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Исми фoъил

Исми фoъил сулосий мужаррад бобларида доимо **فَاعِلٌ** вазнида келади. Масалан: **ضَارِبٌ** каби.

Исми фoъил бта сийғада келади: 3та музаккар ва 3та муаннас.

Исми фoъил куйидагича сарфланади:

ضَارِبٌ	урувчи бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси)
ضَارِبَانِ	урувчи икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси)
ضَارِبُونَ	урувчи кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси)
ضَارِبَةٌ	урувчи бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси)
ضَارِبَتَانِ	урувчи икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси)
ضَارِبَاتٌ	урувчи кўп аёллар, (жамъ муаннас сийғаси)

Муаннасинг жамъ сийғаси яна **فَوَاعِلٌ** вазнида ҳам келади.

Масалан: **ضَوَارِبٌ** – урувчи кўп аёллар (жамъ муаннас сийғаси).

Исми фойил сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда ўша бобларнинг музореъ феълининг маълуми вазнида келади. Музориъат ҳарфининг ўрнига заммали мийм (م) келтириб, охиридан олдинги ҳарф касрала қилинади. Масалан:

مُكْرِمٌ – **يُكْرِمُ** – **أَكْرَمَ** (ҳурмат қилувчи)

مُفْرِحٌ – **يُفْرِحُ** – **فَرِحَ** (хурсанд қилувчи)

مُدْخِرٌ – **يُدْخِرُ** – **دَخَرَ** (юмалатувчи)

تَدَخَّرَجَ - يَتَدَخَّرَجُ - مُتَدَخَّرَجٌ (думаловчи)

Исми мафъул

Исми мафъул сулосий мужаррад бобларида доимо **مَفْعُولٌ** вазнида келади. Масалан: **مَضْرُوبٌ** каби.

Исми мафъул ҳам бта сийғада келади: 3та музаккар ва 3та муаннас.

Исми мафъул қуйидагича сарфланади:

مَضْرُوبٌ	урилган бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси)
مَضْرُوبَانِ	урилган икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси)
مَضْرُوبُونَ	урилган кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси)
مَضْرُوبَةٌ	урилган бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси)
مَضْرُوبَتَانِ	урилган икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси)
مَضْرُوبَاتٌ	урилган кўп аёллар, (жамъ муаннас сийғаси)

Муаннасинг жамъ сийғаси яна **مَفَاعِلٌ** вазнида ҳам келади.

Масалан: **مَضَارِبٌ** – урилган кўп аёллар (жамъ муаннас сийғаси).

Исми мафъул сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда ўша бобларнинг музореъ феълининг мажҳули вазнида келади. Музориъат ҳарфининг ўрнига заммалик мийм (م) келтирилиб, охиридан олдинги ҳарф фатхали қилинади. Масалан:

مُكْرِمٌ - يُكْرِمُ - أَكْرَمَ (ҳурмат қилинган)

مُفْرِحٌ - يُفْرِحُ - فَرَّحَ (хурсанд қилинган)

مُدْحَرِجٌ - يُدْحِرُجُ - دَحَرَجَ (юмалатилган)

مُتَدَحْرِجٌ - يَتَدَحْرِجُ - تَدَحَرَجَ (думалаган)

Жаҳд феъли

Жаҳд феълини яшаш учун музореъ феълининг аввалига مَ келтирилади. Масалан: مَ يَضْرِبُ каби. Бу مَ охири саҳиҳ бўлган феълларда воҳидларининг охиридаги ҳаракатни (يَضْرِبُ → مَ يَضْرِبُ), тасния ва жамъларининг эса охирларидаги нунларни (مَ → مَ يَضْرِبَانِ), (مَ يَضْرِبَانِ → مَ يَضْرِبُونَ), (مَ يَضْرِبَانِ → مَ يَضْرِبُوا) туширади.

Охири ҳарфи иллат бўлган феълларда воҳидларидан ҳарфи иллатни (مَ يَزِمُ → مَ يَزِمِي) тасния ва жамъларининг эса охирларидаги нунларни (مَ يَزِمِيَانِ → مَ يَزِمِيَا), (مَ يَزِمُونَ → مَ يَزِمُوا) туширади.

Аммо муаннаснинг икки жамъ сийғасининг охиридаги (ن)лар кўплик аломати бўлгани учун у нунлар ҳеч қачон тушмайди.

Яна مَ музореъ феълининг маъносини мозийга кўчириб, инкор қилади.

жаҳд феълининг маълуми 14 сийғада келади:

لم يَضْرِبْ	урмади у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
لم يَضْرِبَا	урмади у икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
لم يَضْرِبُوا	урмадилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
لم تَضْرِبْ	урмади у бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси)
لم تَضْرِبَا	урмади у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
لم يَضْرِبْنَ	урмадилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси)
لم تَضْرِبْ	урмадинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
لم تَضْرِبَا	урмадингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
لم تَضْرِبُوا	урмадингизлар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда

	(жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
لم تَضْرِبِي	урмадинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
لم تَضْرِبْنَا	урмадингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
لم تَضْرِبْنَ	урмадингизлар сизлар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
لم أَضْرِبْ	урмадим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لم نَضْرِبْ	урмадик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Жаҳд феълининг мажҳули

Жаҳд феълининг мажҳули ҳам 14 сийғада келади:

لم يُضْرَبْ	урилмади у бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
-------------	--

لم يُضْرَبْنَا	урилмади у икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
لم يُضْرَبُوا	урилмадилар улар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
لم تُضْرَبْ	урилмади у бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, ғоибат сийғаси)
لم تُضْرَبْنَا	урилмади у икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
لم يُضْرَبْنَ	урилмадилар улар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси)
لم تُضْرَبْ	урилмадинг сен бир эркак киши, ўтган замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
لم تُضْرَبْنَا	урилмадингиз сиз икки эркак киши, ўтган замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
لم تُضْرَبُوا	урилмадингизлар сизлар кўп эркаклар, ўтган замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)

لم تُضْرِبِي	урилмадинг сен бир аёл, ўтган замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
لم تُضْرِبَا	урилмадингиз сиз икки аёл, ўтган замонда (тасния, муаннас, мухотабатин сийғаси)
لم تُضْرِبَنَّ	урилмадингизлар сизлар кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
لم أُضْرِبْ	урилмадим мен бир эркак ёки бир аёл, ўтган замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لم نُضْرِبْ	урилмадик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, ўтган замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Нафий феъли

Нафий феълени яшаш учун музореъ феълининг аввалига لا келтирилади. Масалан: لا يَضْرِبُ каби.

Бу لا музореъ феълининг маъносини истиқболга (келаси замонга) хослаб инкор этади.

Масалан: لا يَضْرِبُ дейилса, урмайди у бир эркак киши, келаси замонда, деган маъно чиқади. Лекин урмайпти у бир эркак киши, ҳозирги замонда, деган маъно чиқмайди.

Нафий феълининг маълуми 14 сийғада келади:

لا يَضْرِبُ	урмайди у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
لا يَضْرِبَانِ	урмайди у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
لا يَضْرِبُونَ	урмайдилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
لا تَضْرِبُ	урмайди у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоибба сийғаси)
لا تَضْرِبَانِ	урмайди у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
لا يَضْرِبْنَ	урмайдилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси)
لا تَضْرِبُ	урмайсан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
لا تَضْرِبَانِ	урмайсиз сиз икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)

لا تَضْرِبُونَ	урмайсизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
لا تَضْرِبِينَ	урмайсан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
لا تَضْرِبَانِ	урмайсиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
لا تَضْرِبْنِ	урмайсизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
لا أَضْرِبُ	урмайман мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لا نَضْرِبُ	урмаймиз биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Нафий феълининг мажҳули

Нафий феълининг мажҳули ҳам 14 сийғада келади:

لا يُضْرَبُ	урилмайди у бир эркак киши, келаси замонда (воҳид,
-------------	--

	музаккар, ғоиб сийғаси)
لا يُضْرَبَانِ	урилмайди у икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
لا يُضْرَبُونَ	урилмайдилар улар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
لا تُضْرَبُ	урилмайди у бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, ғоибба сийғаси)
لا تُضْرَبَانِ	урилмайди у икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
لا يُضْرَبْنَ	урилмайдилар улар кўп аёллар, келаси замонда (жамъ муаннас, ғоибат сийғаси)
لا تُضْرَبُ	урилмайсан сен бир эркак киши, келаси замонда (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
لا تُضْرَبَانِ	урилмайсиз сиз икки эркак киши, келаси замонда (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
لا تُضْرَبُونَ	урилмайсизлар сизлар кўп эркаклар, келаси замонда (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)

لا تُضْرِبِينَ	урилмайсан сен бир аёл, келаси замонда (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
لا تُضْرِبَانِ	урилмайсиз сиз икки аёл, келаси замонда (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
لا تُضْرِبْنَ	урилмайсизлар сиз кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
لا أُضْرِبُ	урилмайман мен бир эркак ёки бир аёл, келаси замонда (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لا نُضْرِبُ	урилмаймиз биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, келаси замонда (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

الْأَمْرُ: اضْرِبْ، اضْرِبَا، اضْرِبُوا، اضْرِبِي، اضْرِبَا، اضْرِبْنَ.

Амр феъли ҳақида

Амр икки қисмдир: амр хозир (*мухотаб*) ва амр ғоиб (*ғоиб ва мутакаллим*).

Амри хозир

Амри ҳозир музореъ феълининг бта мухотаб сийғасидан икки амал бажарилади:

1. Музореъ феълининг охирига қаралади. Агар феълнинг охири саҳиҳ ҳарф бўлса, сукунли қилинади. Масалан: $تَضْرِبُ \rightarrow تَضْرَبُ$ каби.

Агар феълнинг охири ҳарфи иллат бўлса, ҳарфи иллат туширилади. Масалан: $تَرْمِي \rightarrow تَرْمِ$ каби.

2. Музориъат ҳарфи бўлган (ت) ташлаб юборилади. Сўнгра унинг кейинидаги ҳарфга қаралади. Агар музориъат ҳарфидан кейинги ҳарф ҳаракатли бўлса, амр феъли шу ерда тугайди.

Масалан: $تَثِبُ$ (сакрайсан) феълини олайлик. Аввал охирги ҳарфга қаралади, охири саҳиҳ ҳарф бўлгани учун сукунли қилинади: $تَثِبُ$. Кейин музориъат ҳарфи ташлаб юборилади. Унинг кейинидаги ҳарф ҳаракатли бўлгани учун амр феъли тугайди.

$تَثِبُ \rightarrow تَثِبُ \rightarrow ثِبُ$ (сакра).

Агар музориъат ҳарфидан кейинги ҳарф сукунли бўлса, феълнинг $ع$ ҳарфининг ҳаракатига қаралади. Агар феълнинг $ع$ ҳарфининг ҳаракати касра ёки фатҳа бўлса, ясалаётган амр феълининг аввалига касрали ҳамза келтирилади.

Масалан: ($تَضْرِبُ$ – $تَفْعِلُ$ вазнида); ($تَحْمَدُ$ – $تَفْعَلُ$ вазнида).

$تَضْرِبُ \rightarrow تَضْرِبُ \rightarrow ضْرِبُ \rightarrow اِضْرِبُ$ (ур);

$تَحْمَدُ \rightarrow تَحْمَدُ \rightarrow حَمْدُ \rightarrow اِحْمَدُ$ (мақта).

Агар феълнинг ع ҳарфининг ҳаракати замма бўлса, ясалаётган амр феълининг аввалига заммали ҳамза келтирилади.

Масалан: (تَكْتُبُ - تَفْعُلُ вазнида).

تَكْتُبُ → تَكْتُبُ → كْتُبُ → أُكْتُبُ (ёз).

Шу билан амр феъли тугайди. Аммо أَفْعَلُ бобида амр феълининг аввалига ҳар доим фатҳали ҳамза келтирилади.

(Масалан: أَقِمُّ ، أَكْرِمُ)

ضَرَبَ феълдан амри ҳозир қуйидагича олинади:

تَضَرَّبُ –мухотаб сийғасининг охирига қаралади. ب

сахих ҳарф бўлгани учун сукун қилинади: تَضَرَّبُ бўлади.

Музориъат ҳарфи бўлган ت олиб ташланади: ضَرَبَ

бўлади. Музориъат ҳарфидан кейинги ҳарф сукунли бўлгани учун феълнинг ع ҳарфи ҳаракатига қаралади. ع

ҳарфи баробарида бўлган ر ҳарфи касрали бўлгани учун ясалаётган амр феълининг аввалига касрали ҳамза келтирилади: اِضْرَبْ бўлади.

Амри ҳозир қуйидагича сарфланади:

اِضْرَبْ	ур сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси)
اِضْرَبْنَا	уринг сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси)
اِضْرَبُوا	уринглар сиз кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси)

إِضْرِبِي	ур сен бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси)
إِضْرِبَا	уринг сиз икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси)
إِضْرِبْنَ	уринглар сиз кўп аёллар, (жамъ муаннас сийғаси)

الْأَمْرُ بِاللَّامِ: لِيَضْرِبَ، لِيَضْرِبَا، لِيَضْرِبُوا، لِيَضْرِبْ، لِيَضْرِبَا، لِيَضْرِبْنَ، لِأَضْرِبْ، لِنَضْرِبْ.

Амри ғоиб

Амри ғоиб феъли музореъ феълининг аввалига (ل) келтириш билан ясалади. Масалан: لِيَضْرِبْ каби.

Бу (ل) музореъ феълининг охири саҳиҳ ҳарф бўлса, воҳидларининг охиридаги ҳаракатни туширади.

Масалан: لِيَضْرِبْ каби. Саҳиҳ феълда ҳам, ноқис феълда ҳам тасния ва жамъларининг охиридаги нунларни туширилади. Лекин муаннаснинг жамъ сийғасидаги (ن) кўплик аломати бўлгани учун ҳеч қачон тушмайди.

Агар амри ғоиб феълининг аввалига бирор— бир ҳаракатли ҳарф туташса, (ل) сукунли ўқилади. Масалан: فَلْيَضْرِبْ (бас урсин) каби.

Амри ғоиб феълининг маълуми 8 сийғада келади: бта ғоиб ва 2та мутакаллим. Амри ғоиб феъли қуйидагича сарфланади:

لَيَضْرِبُ	Урсин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
لَيَضْرِبَانَا	Урсин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
لَيَضْرِبُونَا	Урсинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
لَتَضْرِبُ	урсин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоибта сийғаси)
لَتَضْرِبَانَا	урсин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
لَيَضْرِبْنَ	урсинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси)
لَأَضْرِبُ	урайин мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لِنَضْرِبُ	урайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

وَجْهَهُوْلَهُ: لَتَضْرِبُ، لَتَضْرِبَانَا، لَتَضْرِبُونَا، لَتَضْرِبِي، لَتَضْرِبَانَا، لَتَضْرِبْنَ، لَيَضْرِبُ، لَيَضْرِبَانَا، لَيَضْرِبُونَا،
لَتَضْرِبُ، لَتَضْرِبَانَا، لَيَضْرِبْنَ، لَأَضْرِبُ، لِنَضْرِبُ.

Амри ғоибнинг мажхули

Амри ғоиб феълининг мажҳули 14 сийғада келади. Истисно тарзида аввал мухотаб сийғаси сарфланади. Амри ғоиб феълининг мажҳули куйидагича сарфланади:

لِتُضْرَبْ	урилгин сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар сийғаси)
لِتُضْرَبَا	урилингиз сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар сийғаси)
لِتُضْرَبُوا	урилингизлар сизлар кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар сийғаси)
لِتُضْرَبِي	урилгин сен бир аёл, (воҳида, муаннас сийғаси)
لِتُضْرَبَا	урилингиз сиз икки аёл, (тасния, муаннас сийғаси)
لِتُضْرَبْنَ	урилингизлар сизлар кўп аёллар, (жамъ муаннас сийғаси)
لِيُضْرَبْ	урилсин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
لِيُضْرَبَا	Урилсин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
لِيُضْرَبُوا	Урилсинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
لِتُضْرَبْ	урилсин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоиб сийғаси)

لُتَضْرَبَا	урилсин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
لِيُضْرَبَيْنِ	урилсинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси)
لَأُضْرَبَ	урилайн мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لِنُضْرَبَ	урилайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Наҳий феъли

Музореъ феълининг аввалига (لَا) келтириш билан наҳий феъли ясалади. Масалан: لَا تَضْرَبُ (урма) каби.

Наҳий ломи (لَا) киритилганида музореъ феълининг охири саҳиҳ ҳарф бўлса, воҳидларининг охиридаги ҳаракатни (لَا تَضْرَبُ) каби сукун қилади. Агар охири иллат ҳарфи бўлса, воҳидларининг охиридаги ҳарфи иллатни (لَا تَرْمِ) каби туширади.

Шунингдек, тасния ва жамъларидаги (ن)ларни ҳам туширади.

Лекин муаннаснинг жамъларидаги (ن)ларни туширмайди. Наҳий феълининг маълуми 14 сийғади келади. Бу феълда ҳам истисно тарзида аввал мухотаб

сийғаси, кейин ғоиб ва мутакаллим сийғалари сарфланади.

Наҳий феъли қуйидагича сарфланади:

لَا تَضْرِبُ	урма сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
لَا تَضْرِبَانَا	урманг сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
لَا تَضْرِبُوا	урманглар сиз кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
لَا تَضْرِبِي	урма сен бир аёл, (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)
لَا تَضْرِبَانَا	урманг сиз икки аёл, (тасния, муаннас, мухотабатайн сийғаси)
لَا تَضْرِبِينَ	урманглар сиз кўп аёллар, (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
لَا يَضْرِبُ	урмасин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб)
لَا يَضْرِبَانَا	урмасин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибайн сийғаси)
لَا يَضْرِبُوا	урмасинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибийн сийғаси)
لَا تَضْرِبُ	урмасин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоиба сийғаси)

لَا تُضْرِبْنَا	урмасин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатайн сийғаси)
لَا يَضْرِبُنَّ	урмасинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси)
لَا أَضْرِبُ	урмайин мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لَا نَضْرِبُ	урмайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Наҳий феълнинг мажҳули

Наҳий феълнинг мажҳули ҳам 14 сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

لَا تُضْرَبُ	урилма сен бир эркак киши, (воҳид, музаккар, мухотаб сийғаси)
لَا تُضْرَبْنَا	урилманг сиз икки эркак киши, (тасния, музаккар, мухотабайн сийғаси)
لَا تُضْرَبُوا	урилманглар сиз кўп эркак кишилар, (жамъ, музаккар, мухотабийн сийғаси)
لَا تُضْرِبِي	урилма сен бир аёл, (воҳида, муаннас, мухотаба сийғаси)

لَا تُضْرِبْنَا	урилманг сиз икки аёл, (тасния, муаннас, мухотабатин сийғаси)
لَا تُضْرِبُنَّ	урилманглар сиз кўп аёллар, (жамъ, муаннас, мухотабат сийғаси)
لَا يُضْرَبُ	урилмасин у бир эркак киши, (воҳид, музаккар, ғоиб сийғаси)
لَا يُضْرَبَانَا	урилмасин у икки эркак киши, (тасния, музаккар, ғоибдин сийғаси)
لَا يُضْرَبُوا	урилмасинлар улар кўп эркаклар, (жамъ, музаккар, ғоибдин сийғаси)
لَا تُضْرَبُ	урилмасин у бир аёл, (воҳида, муаннас, ғоибат сийғаси)
لَا تُضْرَبَانَا	урилмасин у икки аёл, (тасния, муаннас, ғоибатин сийғаси)
لَا يُضْرَبُنَّ	урилмасинлар улар кўп аёллар, (жамъ, муаннас, ғоибат сийғаси)
لَا أُضْرَبُ	урилмайин мен бир эркак ёки бир аёл, (воҳид ҳам воҳида, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)
لَا نُضْرَبُ	урилмайлик биз кўп эркаклар ёки кўп аёллар, (жамъ, музаккар ҳам муаннас, мутакаллим сийғаси)

Исми замон ва исми макон

Исми замон ва исми макон сулосий мужаррад бобларининг $يَفْعَلُ$ бобида ва сулосий мужаррад бобларининг мисол феълларида феълнинг $ع$ ҳарфи ҳаракати касрали бўлиб, $مَفْعَلٌ$ вазнида келади.

Масалан:

$يَضْرِبُ$ – $ضَرَبَ$ → $مَضْرِبٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби, саҳиҳ феъл);

$يَعِدُ$ – $وَعَدَ$ → $مَوْعِدٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби, мисол феъл);

$يَضَعُ$ – $وَضَعَ$ → $مَوْضِعٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби, мисол феъл).

Исми замон ва исми макон сулосий мужаррад бобларининг $يَفْعَلُ$ бобидан бошқа бобларда ва сулосий мужаррад бобларининг ноқис феълларида феълнинг $ع$ ҳарфи ҳаракати фатҳали бўлиб, $مَفْعَلٌ$ вазнида келади.

Масалан:

$يَنْصُرُ$ – $نَصَرَ$ → $مَنْصُرٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби, саҳиҳ феъл);

$يَرْمِي$ – $رَمَى$ → $مَرْمِيٌّ$ ($يَفْعَلُ$ боби, ноқис феъл);

$يَكُنْسُ$ – $كَنَّسَ$ → $مَكْنَسٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби, саҳиҳ феъл).

Исми замон ва исми макон сулосий мужаррад бобларидан бошқа бобларда ўша бобларнинг исми мафъуллари вазнида келади. Масалан:

$يُكْرِمُ$ – $أَكْرَمَ$ → $مُكْرِمٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби);

$يُفْرِحُ$ – $فَرِحَ$ → $مُفْرِحٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби);

$يُدْخِرُ$ – $دَخَرَ$ → $مُدْخِرٌ$ ($يَفْعَلُ$ боби);

$يَتَدَخَّرُ$ – $تَدَخَّرَ$ → $مُتَدَخِّرٌ$ ($تَفَعَّلَ$ боби).

Исми замон ва исми макон уч сийғада келади ва қуйидагича сарфланади:

مَضْرِبٌ	урадиган бир замон ёки бир макон (воҳид сийғаси)
مَضْرِبَانِ	урадиган икки замон ёки икки макон (тасния сийғаси)
